



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Фарход Ҳамидович Набиев Порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва тараққийга таъсири	5
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Темурийлар даври нақшбандия тарихати вакили Хожа Алоуддин Аттор ўғитлари ва унинг фалсафий моҳияти	10
Ҳасан Абдусаитович Рахимов Меҳмонхона хўжаликларида кўрсатиладиган хизматларнинг мазмуни билан боғлиқ назарий масалалари	15
Bekniyoz Baxtiyor o'g'li Suvonov Ho'jalik yurituvchi subyektlarda menhat sarfining iqtisodiy mohiyati va uning o'ziga xos xususiyatlari	18
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Фароғат Болтаевна Шакирова Инновацион иқтисодиётга трансформациялашув жараёнида айрим муаммолар ва уларни бартараф этишнинг аҳамияти	23
Азамат Абдукаримович Касимов Саноат ривожланишини эконометрик моделлар асосида тадқиқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	28
Тухта Даминович Маматкулов Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақамлаштиришда саноат 4.0 нинг аҳамияти	33
Dilafuz Saidbaxromovna Saidaxmedova Tadbirkorlik subyektlarining raqamli kompetensiyasini oshirish imkoniyatlari	39
Шаҳноза Суёновна Рузиева Сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги самараси	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Нилуфар Абдувахидовна Юлдашева Саноат корхоналарида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг концептуал асослари	47
Асроржон Ахроржон ўғли Илёсов Саноат маҳсулотлари экспортидаги асосий тенденциялар: миллий ва ҳудудий таҳлил	52
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Шодиёр Абдихалилович Султонов Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида сервис сифати ва маданиятини оширишга эришиш йўллари	62
Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva O'zbekiston temir yo'llari sharoitida vagon parkini aniqlashda qo'shimcha omillarni hisobga olish	65
Асқар Ахрорович Сиддиқов Умумий овқатланиш корхоналарида инновацияларнинг таснифланиши	69

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори,
Фарход Ҳамидович Набиев – СамДУ профессори, тарих фанлари доктори

ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

Аннотация: мақолада порахўрлик ва коррупциянинг хусусиятлари ва уларнинг тараққиётга таъсири қараб чиқилган. Бунда порахўрликнинг мазмуни, коррупциянинг табиати, уларни вужудга келтирадиган омиллар ва уларга қарши курашнинг айрим йўналишларига ҳам эътибор қаратилган. Ушбу масала бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ҳам берилган.

Калит сўзлар: порахўрлик, коррупция, маънавий қашшоқлик, йўмоннинг суствлиги, пора берувчи, пора олувчи, мансабдор шахс, халқ манфаати, назорат, ижтимоий назорат.

Кириш. Коррупция балоси дунё миқёсида кенг тарқалган бўлиб, жаҳоннинг нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий муаммоларидан бирига айланмоқда. Жумладан, “БМТнинг маълумотларига асосан поранинг дунё миқёсидаги бир йиллик ҳажми бир триллион долларни ташкил қилар экан. Коррупциянинг эвазига дунё иқтисодиёти 2,6 триллион долларлик зарар кўради. Бу дунё ЯИМнинг 5,0 %дан ортиқ қисмини ташкил қилади”¹. Бу унчалик кичик рақам эмас. Бу балодан мамлакатимиз ҳам холи эмас. Чунки, бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётига ҳам асосий тўсиқ бўлиб келаётган кишан коррупция илллати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балоси...”² деб, бу иллатга нисбатан ўз муносабатини билдирди. Чунки бу иллат Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига ҳам, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган стратегик дастурларнинг амалга оширилишида ҳам катта тўсиқ бўлиши табиий.

Биргина мисол. “Ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилди. Лекин, очиқ айтиш керак, бу – масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан курашиш”³, лозим, деб таъкидланди. Мутахассисларимиздан бири бунга шарҳ бериб: “бу жуда оғир масаладир. Барчага аёнки, коррупция аралашган жамият ичидан емирилади. Унда қанча ислохотлар қилсангиз ҳам у сира олдинга жилмайди. Айниқса, мансабдор шахсларнинг бу иллатга ўралишиб қолиши мамлақати-миз тараққиётига жуда катта талофат олиб келади”⁴, деб таъкидлади. Шу туфайли мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига бемалол ўтиши ва барқарор тараққиётни таъминлаши учун коррупция балоси билан боғлиқ элементларини бутунлай барҳам топтириш лозим.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, мамлакатимиз раҳбари мазкур масалага доимий равишда эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, 2020 йил 30 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаларидан бири – кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очиқ тизимини йўлга қўйишдан иборат. Ушбу тизим асосида кадрларни танлашда эски усуллардан воз кечиб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилатларини баҳолайдиган очиқ ва ошқора танлов тизими жорий этилади”⁵, деб таъкидлади.

¹ Атажанов А. Борьба с коррупцией – требование времени. // “Odillik mezoni” илмий-амалий, ҳуқуқий журнал. 2022. 12-сон. – 59 бет.

² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Тошкент 2020 йил 24 январ. 9-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

⁴ Халимов Б. Ҳалоллик ва адолат йўли – тараққиёт йўлидир. // “Odillik mezoni” илмий-амалий, ҳуқуқий журнал. 2023. 1-сон. – 6 бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3К. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Коррупция ва унинг мазмуни, хусусиятлари ва оқибатлари билан мамлакатимиз олимларидан Ш.Қобилов [5], А.Атажанов [4], Б.Халимов [6], М.Қ.Пардаев [7, 8, 9], Ф.Набиев [9], кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Ушбу муаллифлар мақолаларида коррупцияга оид бир қанча фикрлар айтилган. Бироқ унинг табиати, порахўрлик ва коррупциянинг ўзига хос хусусиятлари ҳамон тўлиқ очиб берилмаган эди. Шу жиҳатдан мазкур мақола ўта долзарб ҳисобланади.


Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада коррупция ва унинг мазмуни, хусусиятлари ва оқибатлари билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилишда миқдор ва сифат, индукция ва дедукция, мантикий ва қиёсий таҳлил каби услублардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотлар кўрсатиб турибдики, коррупция бевосита асосан мансабдор шахсларнинг фаолияти билан боғлиқ экан. Чунки бу ҳолат уларнинг моддий бойлик илинжида ўз ваколатларини суиистеъмол қилиши натижасида содир бўлар экан. Бунда асосан **иккита ҳолат юз бериши мумкин**. Биринчиси, иймон-эътиқоди ва виждони заифлашиб, у ўз нафсини қулига айланиб қолган бўлиши ва иккинчиси, у қонунни четлаб ўтиш имкониятига ҳам эга бўлган бўлиши лозим. Бу ҳолатни аниқ тушунириш учун коррупциянинг сабаби билан шароитини фарқ қила билиш лозим экан. Инсоннинг ўз нафсининг қулига айланиб қолиши маънавий қашшоқлик натижасида келиб чиқади. Қонунни четлаб ўтиш имконияти эса, ушбу жиноят учун жазонинг муқаррарлиги таъминланмаган ҳолда келиб чиқади. Коррупция жиловланмаган бўлса, порахўрлик авж олади, яъни пора олган одам жиноятига яраша жазосини олмаса, бундайларга жазонинг муқаррарлиги таъминланмаса, имкониятга эга бўлган маънавияти суст киши эртами-кечми коррупцияни келтириб чиқараверади. Бунда бюрократия ва маъмурий буйруқбозлик тизимининг жиловланмаганлиги ҳам коррупцияга замин яратади ва порахўрликнинг юзага келишига сабаб бўлаверади.

Коррупциянинг сабаби ва шароити янада тушунарли бўлиши учун порахўрлик ва коррупция тушунчаларини фарқини англаб олиш лозим бўлади. Коррупция тушунчаси порахўрлик тушунчаси билан бевосита боғлиқ, яъни коррупция деганда порахўрлик, порахўрлик деганда коррупция тушунилади. Чунки, коррупция сўзининг маъноси пул бериб “сотиб олиш”ни, яъни ўз (пул берувчини) мақсадига мувофиқ ҳаракатни келтириб чиқаришни англатади. Буларнинг замирида таъкидлаганимиздек, маънавиятнинг сустрлиги, нафсининг устунлиги, шукроналикнинг йўқлиги билан боғлиқ ноинсоний қусурлар ётади.

Порахўрликдаги асосий восита пул ҳисобланади. Масалан, пул бериб ишга ва ўқишга кириш, сайлов жараёнида пул бериб овозни сотиб олиш, пул бериб жиноятдан жазоланмай қолиш, пул бериб рағбатлантирилиш ва ҳоказолар коррупцияга мисол бўла олади. Кўришиб турибдики, уларнинг барчаси пора бериш билан боғлиқ. Лекин шундай бўлса ҳам, порахўрлик билан коррупцияни фарқ қила билиш лозим. **Порахўрлик** деганда, таъкидланганидек, бирор бир мақсадга эришишда икки киши ўртасида пора бериш ва олиш ҳолати билан боғлиқ муносабатлар мажмуи тушунилади. **Коррупция** деганда эса порахўрлик икки киши ўртасида эмас, балки бир неча киши ўртасида содир бўладиган ва пора мансабдор шахсга бериладиган ҳолат тушунилади. Умуман коррупция ва порахўрлик одатда бир хил баҳоланади. Аммо уларда фарқ борлиги ҳам аён дидир. Буларни англаш ва фарқлаш учун уларни аниқ расмларда келтирамиз. Порахўрлик бевосита пора берувчи ва олувчи ўртасидаги муносабат бўлиб, бунинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).


Порахўрликнинг коррупциядан яна бир фарқи, коррупцияда асосан мансабдор шахс иштирок этади ва у тизимли ҳарктерга эга бўлади ҳамда ташаббус пора олувчи томонида амалга оширилади. Масалан, агар ўқитувчи тамағирлик қилиб талабадан пора олиб кафедра мудирига, кафедра мудирини деканга, декан эса ректорга, ректор эса вазирга берса, бу олий таълим тизимида содир бўладиган коррупциялашганини англатади. Ёки кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёнида порага асосланиш ҳам ушбу тизимнинг коррупциялашганини англатади. Ушбу жараён коррупциянинг жамият учун энг хавфлиси ҳисобланади. Чунки, пул бериб мансабга эга бўлган шахс эртага берган пулини ортиғи



1-расм. Порахўрлик элементларининг ўзаро боғлиқлиги

билан қайтариб олишга ҳаракат қилади. Яна шуниси билан хавфлики, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган кадрлар қолиб кетиб, номуносиб, билим ва маънавияти паст кадрлар ислохотларни амалга ошириш билан малакасиз равишда шуғулланишларига тўғри келади. Бу албатта тараққиётнинг тўсиғидан бошқа нарса эмас.

Кўриниб турибдики, коррупция порахўрликдан фарқли ўлароқ, унинг кўлами, юқорида таъкидланганидек, кенглиги ва маълум занжирга эгалиги билан фарқ қилади. Пора берувчи ва олувчилар ўртасида воситачилар бўлади ва пора олган ҳам уни яна каттароғига, униси навбатдаги босқичдаги мансабдорга, уларнинг барчаси назоратчиларга ҳам бўлиширади. Бунинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (2-расм).




2-расм. Коррупция ҳалқасининг ўзаро боғлиқлиги ишгирик этувчилар

Инсоният жамиятида мавжуд бўлган муаммолардан бирини ижтимоий касаллик деб ҳисобласак ҳар қандай касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш муҳимдир. Бугунги кунда дунё миқёсида тарқалган ижтимоий касалликлардан бири бўлган коррупцияни даволашда фақат қонунлар ёки айрим масъулларгина шуғулланиб қолмасдан, бутун жамият, олимлар ва ижодкорлар ҳам бефарқ бўлмаслиги керак. Зеро ушбу иллатга қарши халқаро тизим шаклланди.

БМТнинг коррупцияга қарши Конвенцияси (2003 йил 31 октябрь) 2003 йил 9 декабрда бир қанча мамлакатлар томонидан тан олинди ва шу кунга имзоланди. Шу туфайли ушбу кунни “Коррупцияга қарши кураш халқаро кунини”, деб эълон қилинди. Ушбу Конвенциянинг асосий мақсади, дунё аҳолисини коррупцияга қарши курашга чорлаш ва шу ҳолатнинг мазмун-моҳиятини чуқур англатишга қаратилган. Зеро у бор жойда муваффақият бўлмайди. Масалан, таълим тизимининг коррупциялашуви ёшларнинг билим ва маънавиятга бўлган интилишларини пасайишига олиб келади. Чунки коррупция бўлган жойда билим ва маънавияти кучли одам қолиб кетиб, пули кўп одам раҳбарлик лавозимига тайинланади. Бундан хабардор бўлган ёшлар ҳамма нарсани пул ҳал қилади деган тушунча билан билим ва маънавиятга интилмай қўядилар. Худди шундай салбий ҳолатни тиббиётда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин. Бу борада халқ ўртасида бир гап юради: “Бир бебош талаба тиббиёт ниститутида бутунлай ўқимас, бошқаларга ҳам ҳалал бериб юрар экан. Бир кунини ўқитувчи “Сен бу аҳволда қандай қилиб шифокор бўласан?”, деб танбех берса талаба: “Мен шифокор бўлмайман, бош шифокор бўламан”, деган экан”. Бундайлар бош шифокор бўлса, одамларни даволашдан кўра кўпроқ пул

топиш йўлини кўпроқ ўйлайди. Бу билан тиббиётни барқарор ривожлантириб бўлмайди.

Бундай ҳолат бўлмаслиги учун кадрлар танлаш тизимида билим ва маънавиятнинг юксаклик даражаси асосий мезон сифатида қабул қилиниши лозим. Пул аралашган жойда эса ушбу мезонларга риоя қилишни таъминлаб бўлмайди ва натижада билим ва маънавияти паст одамлар раҳбар бўлиб тайинланади. Бу эса ўз навбатида таълим тизимида билим учун эмас, балки диплом учун ўқийдиган талабаларни кўпайишини келтириб чиқаради. **Диплом учун ўқийдиган талаба бор экан таълим тизимида коррупцияни тўхтатиб бўлмайди.** Чунки бундай талаба пора бериб ўқишни хоҳлайди ва бунда ташаббус пора берувчида бўлади. Пора берувчи бор экан пора олувчи албатта топилади чунки бунда талаб ва таклиф қонуни ишлайди. Буларнинг ўзaro боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Пора берувчи ва пора олувчилар муносабати асосида порахўрлик ва коррупциянинг вужудга келишида манфаатнинг таъсири

Бу ижтимоий касалликнинг ҳам оддини олиш муҳим ҳисобланади. Зеро, табобат илмининг султони машҳур Ибн Сино “Касалликни эмас сабабини даволаш керак” деб бежизга айтмаган. Ҳар қандай касалликни даволаш учун, энг аввало, ушбу касалликнинг сабабини аниқлаш лозим бўлади, яъни коррупцияни баргараф қилиш учун, унинг сабабларини билишни тақозо қилади. Коррупциянинг сабаблари ҳам анчагина экан. Булар жумласига кўп ҳолларда одамлар маънавиятининг сустлиги, виждони ва иймонига нисбатан нафсининг устунлиги, боз устига назорат тизими фаолияти заиф бўлган ижтимоий муҳитда юзага келади.

Телеграмнинг “Namoz Vaqtlari” каналида Нозимжон Ҳошимжон “Юраверамизми?!”, деб номланган саволларидан бирида “Баъзи мансабдорлар, то ишдан ҳайдалиб, бирор фалокатга йўлиқмагунча, порахўрлик, коррупция, ўғрилик, талон-тарож қилишда давом этаверадими?!”, деган саволни қўйибди.

Шу мақолада “Кўпчилигимиз, то ўлмагунимизча, тириклик, умрнинг қадрига етмай, уни солиҳ амаллар билан ўтказмай юраверамизми?!”, деган яна бир саволларни қўйиб, “Кўзимизни очайлик, умримизнинг ҳар дақиқаси ўтиб, биз ўлим, қабр сари яқинлашиб бораётганимизни унутмайлик!”, деган гапни ҳам қайд этиб қўйди.

Кўриниб турибдики, бунчалик молу-дунё тўплаш учун халқнинг мулкани ўзлаштириб, бой бўлишга интилиб, бор кучимизни шунга берганимиз билан ҳам барибир одам бу дунёга устун бўла олмайди. Кўзимизни очайлик. Хотимамиз чиройли бўлиши учун фақат молу-дунё кифоя қилмаслигини ҳам бир тафаккур қилиб кўрайлик.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, қачон ва қаерда одамларнинг маънавияти суст бўлиб, назорат тизими заиф бўлса, ўша вақтда ва ўша жойда коррупция келиб чиқади. Шу туфайли, коррупцияни тўхтатишнинг бир қанча йўллари бор. Булар таркибига бир қанча тавсияларни бериш мумкин. Буларнинг айримлари қуйидаги иборат:

Биринчидан, коррупцияга йўл қўядиган кишилар мансабдор бўлиб, бирор кишининг ҳожатини чиқаришга ўзида катта имкониятлар бўлсагина бу иллат содир бўлади. Бироқ шуни тушуниш керакки, унга бу имкониятни Аллоҳ берган. Кулфатни ҳам,

имкониятларни ҳам бандасини синов учун беради. Буни ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар чуқур англаб олишимиз лозим. Шунинг англаган одамларнинг маънавияти, порахўрликка йўл қўймасликка даъват этади.

Иккинчидан, коррупцияни тўхтатишнинг яна бир йўли **назорат** тизими фаолиятини кучли ва самарали қилиш билан боғлиқ. Назорат фаолиятининг кучлилиги ва самарадорлиги, энг аввало, ушбу фаолиятга доир билимга ҳам боғлиқдир. Кўп ҳолларда назоратчилар ҳам коррупция “неъматлари”га шерик бўлиб қоладилар ва бу салбий ҳолат ёпилиб кетади. Бу мазкур иллатнинг яна давом этиши учун замин яратилган бўлади. Мамлакатимизда коррупцияга барҳам бериш учун йўналтирилган **назорат ҳақиқий назорат** бўлиши керак.

Учинчидан, коррупция иллатига қарши курашда муҳим куч билим, ҳуқуқий маданиятдир. Назорат фаолиятига доир билим ҳам, энг аввало, таълим тизимида шаклланади. Таълимда коррупцияга қарши қонунлар ўргатилади. Бунда ҳар бир кишининг қонуний саводхонлиги оширилиб, тегишли тарзда таъминланади. Бироқ қонунни билиш – бу **ҳуқуқий саводхонликни** билдиради. Қонунни амалда фойдаланиш эса – **ҳуқуқий маданиятни** билдиради. Демак, мамлакатимизда коррупцияни тўхтатиш учун таълим тизимида назорат фаолиятига доир билимни бериш билан бирга ҳар бир кишининг ҳуқуқий маданиятини ҳам ошириб боришни тақозо қилади.

Тўртинчидан, назорат фаолиятига доир билим билан қуролланган жамият коррупцияни тўхтатишга ва жамият тараққиётини таъминлашга қодир бўлади, қачонки, уларда иймон-эътиқод ҳам кучли бўлса. Шу туфайли таълим тизимида билим билан бирга иймон-эътиқоднинг шаклланишига ҳам катта аҳамият бериш лозим бўлади. Бу тадбирлар коррупцияга қарши курашиш учун объектив заруриятга айланган.

Бешинчидан, назорат тизимини шахслар назоратидан, **жамоат назоратига** ўтказиш лозим бўлмоқда. Чунки, бир кишини ёки оз кишини кўндириш ва коррупция ботқоғига сингдириб юбориш мумкин. Аммо улар жамоавий бўлса, ушбу ҳолат рўй бемаслиги тайин. Шу туфайли жамоат назоратини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш лозим бўлади.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шиғоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, овозгарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда”¹.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 30.12.2020 10:00.10.3К. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-ингизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. – 49 бет.
4. Атажанов А. Барьба с коррупцией – требование времени. // “Odillik mezoni” илмий-амалий, ҳуқуқий журнал. 2022. 12-сон. – 59 бет.
5. Қобилов Ш. Коррупция: сабаблари, шартшароитлари, оқибатлари ва олдини олиш йўллари. – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2019. – 368 бет.
6. Халимов Б. Ҳалоллик ва адолат йўли – тараққиёт йўлидир. // “Odillik mezoni” илмий-амалий, ҳуқуқий журнал. 2023. 1-сон. – 6 бет.
7. Мамаюнус Пардаев. Korruptsiya va poraxo'rlik – adolat kushandasi, taraqqiyot zavoli. Январь 30,2023, SamTVR | MTRK. // <https://telegra.ph/Korruptsiya-va-poraxo%CA%BBrlk--adolat-kushandasi-taraqqiyot-zavoli-01-30> 30.01.2023. 798. 8:43.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

8. Мамаюнус Пардаев. КОРРУПЦИЯНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ. Март 9. 2023, SamTVR | MTRK. // <https://telegra.ph/KORRUPCIYANING-NAZARIJ-TAL%D2%9AINI-03-09> 09.03.2023. 124. 18:34.
9. Мамаюнус Пардаев, Фарход Набиев. ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ. Март 31. 2023, SamTVR | MTRK. // <https://telegra.ph/PORAH%D0%8ERLIK-VA-KORRUPCIYANING-HUSUSIYATLARI-VA-TARA%D2%9A%D2%9AIYOTGA-TASIRI-03-31> 31.03.2023. 825. 12:48.

М.Пардаев, Ф.Набиев	M.Pardaev, F.Nabiev
Особенности взяточничества и коррупции и его влияние на прогресс	Features of bribery and corruption and its impact on progress
Аннотация: в статье рассматриваются вопросы особенности взяточничества и коррупции а также его влияние на развитие общества. При этом особое внимание уделяется на смысл взяточничества, природу коррупции, факторы, поражающие их и некоторые пути борьбы против них. Также даётся соответствующие предложения и рекомендации по этому вопросу.	Abstract: The article discusses the features of bribery and corruption, as well as its impact on the development of society. At the same time, special attention is paid to the meaning of bribery, the nature of corruption, the factors that cause them and some ways to fight against them. A corresponding proposal and recommendations on this issue are also given.
Ключевые слова: взяточничество, коррупция, бездуховность, безнравственность, взяткодатель, взятчик, должностное лицо, интересы народа, контроль, социальный контроль, социальный порядок.	Keywords: bribery, corruption, lack of spirituality, immorality, bribe giver, bribe taker, official, interests of the people, control, social control, social order.

Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов – СамИСИ, Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВАКИЛИ ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР ЎГИТЛАРИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

<p>Аннотация: Мақолада нақшбандия тариқатининг Темурийлар давридаги йирик намояндаси Хожа Алоуддин Аттор маънавий мероси, Марказий Осиё маънавий ҳаётидаги ўрнига оид маълумотлар ва унинг фалсафий моҳияти илмий жиҳатдан асослаб берилган. Темурийлар даврида тасаввуф, аниқроғи, хожагон-нақшбандия тариқатининг тавсифи масаласига асосий эътибор қаратилган.</p> <p>Калит сўзлар: Тасаввуф, нақшбандия, хожагон-нақшбандия, Хожа Алоуддин Аттор, мерос, маънавий мерос, ўғит, рисола, маданият, фалсафа.</p>

Кириш. Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш жараёнида тарихийликни манбаларга таяниб ўрганишга ва шу асосда маънавий меросга нисбатан муносабатни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақолада мазкур мероснинг муайян бир қирраси, аниқроғи нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан, унинг назарий жиҳатларини ривожлантирган ва ушбу таълимотдаги “Даст ба қор, дил ба ёр” шиорини назарий асослаган ва амалиётга жорий қилган таниқли шахслардан бири Хожа Алоуддин Атторнинг маънавиятимиз ривожигаги ўрни ва маънавий меросининг фалсафий моҳияти ёритилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Кейинги йилларда ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган қўлёзма асарлар^{1, 2, 3, 4} Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам хожагон-нақшбандия мавзуида анчагина илмий тадқиқотлар чоп этилди, айрим манбалар нашр этилди ва бу ҳолат нақшбандия тариқати жаҳон миқёсида ўрганилаётган долзарб мавзуга айланганидан далолатдир. Нашр қилинган ишлар Темурийлар даврида хожагон-

¹ Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фикристи. Тошкент, 1993.

² Хожа Муҳаммад Порсо. Мақомоти хожа Алоуддин Аттор. №2520/2 ҳижрий 964 (милодий 1556).

³ Али Сафий ибн Хусайн Воиз Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт. (№1788, 2155/II, 1908, 100).

⁴ Салоҳ ибн Муборак. Анис ат-толибин. (№2520/I). Манокиби хожа Баҳоуддин Нақшбанд. (№11594).

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023